

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

11 ноябрь, жума, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 222 (970)

● Нондан не азииз?

маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ташқи сиёсатда ўзаро келишувга бағишланган бир қатор муҳим ҳужжатларни имзолашни кўзда tutаяпмиз.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз Президентини республика Олий Кенгаши Раиси вазифини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлганов ва бошқа расмий кишилар қутайиб қолди.

(Ÿ_{3A}).

70 минг аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлашдек маъсулиятли ишни ўз зиммасига олган Гулистон нон заводи жамоаси тунни-тонгга улаб, самарали меҳнат қилаётир.

Айни пайтда шаҳарлик ҳашарчилар ва пахтакорларга нон маҳсулотлари етарли бўлишини таъминлаш ниятида заводда иш уч сменада ташиқ қилинган. Ҳар сменада 4,5-5 тонна нон маҳсулоти пиширилиб, истеъмолчиларга етказилмокда.

Бу ракам, айтишга осон, аммо ўт
эвулланг ёниб турган пачир ёки
андилар олдига 8 соат тиқ туриб
он пишириниш ўзига хос
ашаққатлари бор. Амво-оташ
чидлар бепарволини ёктирмайди.
Онавой қаққон, эчили ҳаракат
илмаса он кудай ёки хомсиз
ишиди. Суббат чоғиди бош
ушқунга. Линдиз бевузулдан
Поналар дасгасторнинг
аромиди илшаш
эвчиллашагинга сифат ва
маддорликига эришадилар,
устакиллик шарофати
этижасда ишчиларнинг меҳнати
уносабати тудадн ўзариди,
асулулти ҳисси кучайди», дедди.

Заводнинг булка цехи устаси
назон Отажонов, Бахтияр
Байдуллаев, ёни он цехи устаси
Дастиди Ризохўжаев технология
ишдаларига риш этиб, дастохлар
ушватидан унуқли бойдаланди.

ишлаб чиқаришда юкори курашчиликка эришмоқдалар, улар бошлук смена азозлар, режаларни муамтазм 105-1 фондзм бажармоқдалар, истеъмолчиликка сифатли пиришларн ширмов ноллар етказиб беришвлрлар. Печда бухана нн пиришвлрн устаси Тошлулат Раббевнинг расми якнда шахар ховмиллигини "Кураш ташкилоти" ташкилоти тарафинан Однган Тухтура илгорлар каторида Тошкентда бўлиб ўтган муастаклик байрамининг уш йиллик таинталларига катнашди. Корона жамосининг ахлигли ва фойдаи меҳнати натижасида тукўзи ойда 5850 тонна нн махсуслатлар тайярланди, режа 102,6 фонга бажарилди нн ўтган йилнинг тукўзи ойлнк режасига нисбатан 154 тонна кўп нн махсуслатлар ишлаб чиқарилди.

жамоа 140 минг сўм соф фойда
олди.

Корхона маъмурияти ишлаб-
чиқаришни кўпайтириш, янги
қувишларни ишга туширишга,
новийларга қўлай меҳнат
шароитлари яратишга эътибор
қўйишга қаратилган. Заводга қосим
келадиган хомашёлар оёмбори
қурилиши бошлал ёқорилди,
келажакда янги ном цехи
ҳам қўзда тутилган. Иш-
чиларнинг бўш пайлардада
олишсин таяминлаш мақсадига
корхона ҳовлисига фонтанча, унинг
ёнига дам олиш хонаси қурилди,
дам олувчиларга, теннис столи,
шахмат-шахка олип берилди.
Новийларга хизмат кўрсатуви
охишна ишлаб турниди, корхона
шароитларидада болаларга
қорва, нон, ширинчилик, йусти
қилишга, қўйишга, қўйишга,
чиларга арзон нархда сотилган.
Шаҳардаги 14 ва 39-қўйиш
фурқаларга аралаш озуқа ва
кечак (қоллаган ҳолда) сотиш
йўлга қўйилди.

Р. МЕЛИБОЕВ,
и "нинг жамоатчи
мухбири.

10 ноябрь куни Тошкентда 1941-1945 йилларда уруш фашизм устидан қозилган алтабанин 50 йилгача тайёргарлик кураш ва илм утказиш республика ташкилот кўмитасининг йарабтадаги мажлиси бўлди. Мажлисини Ўзбекистон бош вазирининг биринчи ўринбасари, аазуру кўмита расиси И. Журабеков бошқарди. Мажлисда Қорақалғистон Республикаси Базирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қўмиталири, вазирилари ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан алабанин 50 йилгичини тийишлаш қозисидан тайёргарликнинг бориш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари йўлмаси кенешининг расиси Б. Раҳимов, ижтимоий таъминот вазири Б. Умурозков, мудофиа вазирининг ўринбасари Қ. Абдуллаев, Давлат таърибуот кўмитаси расиси Р. Шогўломов ва бошқаларининг ана шу ҳақидаги ахборотлари тингиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "1941-1945 йиллардаги урушда

фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига таъғаргалик кўриш ва уни ишонилан тўғрисидан"ги Фармони асосида республикада мазкур байрамга катта таъғаргалик ишлари кетатгани, бу борада дастлабки натоқаларга эришилгани мажлисида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Президент фармониди кўрсатилган келгуси йил апрелига қадар давлат буюртмасига мувофиқ чор этилиши зарур бўлган 33 та хотира китобининг 8 таси тайёр бўлди.

Мажлиси байрамга таъғаргалик ишлариди эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда айрим вазирик ва идоралар, таъшикотлар фаолиятида кулгина камчиликлар ҳам борлигига этиббор қаратиди. Байрамга таъғаргалик ишларини вақтида амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов иштирок этди.

(УЗА)

(Ÿ_{3A})

МЎ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг шу йил 22 августдаги
 «Қишлоқ ҳўжалигининг ривожлантиришининг иқтисодий рағбатлантириш
 чоралари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу Фармон
 ижросини таъминлашда қаратилган «1994 йили пахта ҳосили йўғим-
 теримини ушшоқлаш билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
 қарорининг ҳўйларда қандай бажарилаётганин юзасидан Ўзбекистон
 Республикаси прокуратураси ўтказётган текширувлар шуни қўрсатмоқдаки,
 бир қатор вилоят, туман ва ҳўжакиларда раҳбар ва мутахассисларнинг
 масъулиятсизлиги оқибатида йўғим-теримга яхши тайёргарлик қўйилмаган.
 Терим техникаси, оқлаш-ташиш воситалари 1 сентябрга қадар тахт қилиб
 қўйилмаган, йўғим-терим транспорт отрядлари тажрибали механизаторлар,
 соҳбачилар қеракли эхтиёт қисмлар билан таъминланмаган.

Статистика маълумотларига кўра, шу йил 1 октябрга қадар гўё республика бўйича 25 минг 600 та машина екиш мавжуд терим агрегатларининг 87,8 фоизи мавсумга тайёр ҳолга келтирилган. Аммо текширишлар бу маълумотларнинг ҳақиқатга зид эканлигини кўрсатди. Бу бйриччи навбатда Республика статистика органларининг (Р. Сайфуллин) ҳисоботлар устидан давлат назоратини амалга оширишга оқибатидир.

муҳандис М. Азимбеков эса туман истиқболни белгилаш ва статистика бўлимига "Ҳамма машина теримга шай", деб ҳисоботни чалкаштиргани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Статистика маълумотларида Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманида 9 октябр калар 255 та терим машинаси маъмула шайбў қўйилгани кўрсатилган. Ҳақиқатда эса 246 машина теримга таъин қилинган. Шу тумандаги Г. Юсуфов номли ширкатлар уюшмаси бош муқаддиси У. Қодиров статистика органларига машқаларини теримга шайбўни шу тўғрисида елгон маълумот берган. Шу муносабат билан унга нисбатан жиноий қўғунатилиб, тергов олиб бориюкда.

Бу каби қонунбузарликлар Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Асак, Задар, Ҳўжаобод ва бошқа туманларини Ҳўжаалиқларида ҳам амалга ашиқилган. Чунюни, Андижон вилоятининг Асак туманидаги Воёубов номли жамоа Ҳўжаалиқда 9 та машинадан бериортаси теримга таъйерланмаган, 6 та кўсак териш агрегатини 2 таси таъйирланмаган, 8 та кўсак чувийдаги машина умуман қаровис қолган. Шу тумандаги «Шарқ ҳақиқати» жамоа Ҳўжаалиқда ҳам ахвол бундан яхши эмас. Вилоятини Ҳўжаобод туминдаги «Узекистон» ширкатлар уюшмасида 13 та машинадан ширкат б.таси ниға яроқли. Бош

Заларе туманидаги “Украина” жамоа ҳўжалиги бош мухандиси А. Қозоқов мавжуд 38 та машинанинг ҳаммаси теримга тайёр дега маълумот берган. Текиришланда эса 7 та машина ишга яроқсиз бўлиб қичди. Шунингдек, Яқкабон туманида 132 та машинадан 39 таси эҳтиёт қисмлар билан таъминланмаганили оқибатда теримда каъминамаган.

“Қишлоқ ҳўжалик таъминоти таъмирлаш” қорхоналарида содир бўлаётган суниетсўмоллар, ўғирлик ва камомадлар, банк кредитларини максалсиз ишлатиш каби иллатлар қишлоқ ҳўжалигини моддий-техник таъминлашдек муҳим ишга салбий таъсир қўрсатмоқда. Афсуски, бундай “қўпурчи”лар тўдасига қол ҳолларида қўмитанинг вилоят ва туман тармоқлари раҳбарлари бошчилиқ қилмоқдалар. Чунотки, Тошкент вилоти қишлоқ ҳўжалик таъминоти-таъмирлаш

корхончаси раиси Н. Хусанов бошчилигидаги жиний тўдада аккумуляторларни ҳўжаликларга тарқатишда катта миқдорда пора олишни билан мунтазам шуғулланиб келгани учун қўлга олинди. Н. Хусанов шў йил 31 октябрда вилоят судининг республикада оид ҳўқими кодекси 152-моддаси 2-қисмига оид ҳўқими билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Тўданинг қўдага аъзолари ҳам турли муддатларга қамоқ жазосига ҳўқими килинди.

Навойи вилоят кишлок хужалик таъминот-таъмирлаш бирлашмаси раиси Н. Ражабов жиноят йўлига кириб, хужжатларни қалбақлаштириш орқали 4 миллион сўмлик кишлок хўжалик техникасини талон-торож қилган. У

МАЪЛУМОТ НИ АЛДА

ийғим-терими билан боғлиқ иш
иёияту қонун бузарлиқлар ҳақи

бошлиқ жинойи гуруҳ устандан
қўзғатилган иш хозир сулда қўрилмода.
“Ўзқишлоқхўжалиқтаъминоттаъмирлаш”
тизимига кирувчи корхоналарда қишлоқ
хўжалиқ техникаси ва ахтиёт қисмлар
учун берилган банк ва давлат қарзларидан
мақсадсиз фойдаланиш иллати ҳам кўп
умрамода. Масалан, “Ўзқишлоқхўжалиқ-
таъминоттаъмирлаш” республика базаси
(А. Махарамов) рахбарлари қишлоқ хў-
жалиқ техникаси учун давлат томонидан
берилган иттиелли қарз авазига 370 мил-
лион сўмга “ТАЗ-31029” русумли 29 та
автоматизма сотиб олиб, турли тижорат
ташкилотларига сотган. Бу кинирлиқ
устандан жинойи иш қўзғатилиб, тергов
олиб борилмада. Умуман, 1993 йил ва шу
йилнинг ўтган даврида содир этилган шу
каби қонунбузарлиқлар учун тизим
корхоналари ва ташкилотлари рахбарлари
ҳамда моддий жавобгар шахсларга

Шуңга карамай, кишлок хужалик техникалары учун ээзгир кишлок етимишли турган хозирге пайдада хам булга кишлок рахбарлари шахсий кишлок орттириш максадияда этхетне кишлок талон-тарож кишини давом эттирмокдалар. Жумладан, Боевуя тумандияда У. Юсулов номли ширкатларла уюмшасы бош мухандиси М. Кобилон учун кызмат вазифасини суиестомлок кишлок тарихи машиналари учун одинган таракатмай, омборда саклаб келган Холбоку, хужаликдагы 51 тарихи машининининг 7 тасиди аккунлятор бош эди, холбо. Буланн ташкари 3 октябрь кун

БЕРИБ СИЗ?

ларда рўй бераётган
да.

олинган 8 та аккумулятордан 2 тасини
ўзлаштирган. Хозир М. Кобилов устидин
жинойий иш қўзғатилиб, тергов олиб
бормоқда.

Жойларда пахта нобудгарчилигига
пайхон қилинишига, уни териш, юклаш
ташиш ва сақлашда исрофгарчиликка йўл
қўйилмоқда.

Бўудай қонунбузарликлар Андижон,
Наманган, Фаргона, Самарканд, Бухоро
вилоятларида, айниқса, кўп учрамоқда.
Самарканд вилояти Гўзалкент туманидаги
"Умид" хиссдорлиқ жамияти раиси Н.
Ўсмонов ўзига тегишли 84 бош қорамол ва
"Ғалаба" хўжалиги пахта даласида ҳайдаб
боқиб, 78000 ҳўжалиқ ҳосилини едириб
бормди. Бу ҳодиса бўйича туман
прокуратураси жиноий иш қўзғатди.
Дастлабки тергов харакати бешлаб
қилинган. Каттақўрғон туманидаги
"Қорадаре" жамоа хўжалигидан С.

Хожиев, М. Курбонова, Х. Шойбекова ҳам қўлларини пахтазорга ҳайлаб қўиб, келтирган моддий зарарлар учириб олдинда ва ўзлари маъмурий жавобгарликка тортилилар.

Баъзи жойларда пахтани ҳисобдан яшириш, қўшиб ешиш ва ҳисоб-китобни атайлаб қалқаштириш ҳоллари рўй бермоқда. Ўртаччири туманидаги Ким Пеп Хва номидаги корпорацияси, "Гулистон" ҳамда ҳўжалиғида тегилган пахта вақтида қорхонга топширилай, ҳисобдан яширилган. Бўқа туманидаги "Навоий" номиги ҳамда ҳўжалиғи бригадери Э. Шодиев 2400 қил пахтани қўшиб ёғанди учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят қоллексиғини 149-моддида билан жиний қил қўғатилли тергов ўтқазилмоқда.

Тегиштириллар давомида баъзи жойларда йнгим-терим катнашчиларига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш қондалари бузилаётганлиги аниқланди. Акжабоб туманидаги хиссасдорлик тижорат дахшончилик-саноат банки раҳбарларининг айби билан 1 млн. 16 минг 200 сўм пул тегиримчаларга ўз вақтида берилмаган. Нарпай туманидаги Ислоҳ ширм номили ҳўҳалиқда тиббети билан юртининг 606 талабиси шн қадилан 66 минг 780 сўмини вақтида ололмаган. Шу тумандаги Ойбек номи. Куянтир туманидаги Улугбек номи. "Йиш ҳаёт" жамоа ҳўҳалиқларида ҳам шундай қонунбузарликка йўл қўйган мутасадди бош хиссобишар прокуратура томонидан езма равишда оғохлантирилдицлар.

Ожорида келтирилган қонунбузарликлар пахта йнгим-терими катнашчиларига моддий зарар етказиш билан бирга, етиштирилган хосилини нес-нобул қилмай, ушқоқликлар билан йнгитириб олмиша ақ таъсир кўрсатмоқда. Кишлоқ ҳўҳалиқ вазирилри, виллоят хокимликлари жойларда йўл қўйилаётган аша шундай қамчилик ва нуқсонларга асосий эътибор қаратиб, далаларда қолган хосилини тегирок саранжомлаб олши чораларини кўрсатла айин муддоо булур эди.

Усмон ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бшн
прокурорининг муовини

• Избоскан тумани маркази — Пойтут маданият на истирохат боғи ёнидаги кўхна қабр атрофида "Азизлар" хотира хиёбони бунёд этилди. Янги маскан зиёратгоҳга айланди.

Хотира хиёбони атрофига битилган ёзувларда эл, ватан, раънақи учун қатта ҳисса қўшган избоқаниликларнинг номилари зарҳал ҳарфлар билан қайд этилди.



Мастером-алюминистом

СУРАТДА: қорхона дурд-горлари С. Асқаров ва Х. Солнов иш ҳисоб.

■ Навоий билоят маданият бошқармаси Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб "Улуғбекнинг нури сиймоси" мавзусида кўрик-танлов ўтказди. Қизилтепа тукуни Латиф Аҳмедов номидagi жамоа кўчагигада ўтказилган буюк беллашувда Вағноз кишлоқ маданият уйи директори Амин Бақоев яратган Мирзо Улуғбек сиймоси томошабинларнинг эътиборига тазовор бўлди ва ғалиб деб топилди.

• Исроил кўшинлари шанба кундан буён Ливан шўлоқлари тўпалардан ўққа тўтмоқда. "Ал-Ватания" ёлборот мактамининг хабар беришича, Ливан армияси ҳам шўлганга қарш бир неча қарга жавоб ўқлари отган, азирча тинч аҳоли орасидан ёлборолар сони ҳақида аниқ бўлматт йўқ.

• Камбоджа халқи салкам
гигиена йиллик танафуслардан
ийн йил иккинчи марта
устақиллик кунини ни-
ионади. Сўнгги йилларда
ййрай 7 январда ни-
ионаларди. Бирок, ўтган
йил кузда қабул қилинган
амалдак конституцияси
арофати билан миллий
ййрай қайта тикланди.

● Франция мудофаа вазири, республикачилар партияси раиси фахрий раиси Франсуа Леотар кимнинг имконияти кўп эмас, сайловда шунинг мамлакат президентиликка номзод қилиб ўрсатиш керак, деб ислоблади. Франсуа Леотарнинг фикрича, айни пайтда бундай имкониятга Бош вазир Эдуар Балладор эга.

• Фонография саноати
илкaro федерацияси мам-
лакат пойтахтида Словакия
олонцияси кўмаги билан
музыка карокчиларини ту-
шунга муваффақ бўлди.
Алқалум бўлиниши, улар дун-
даги энг кўзга кўринган
музыка фирмалари махсу-
тларини ноқонуний
аудио сотиш билан
тузланган.

Долзарб муаммо

Ўзбекистон азалдан пахта етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган. Пахтамизнинг бугунги мустақиллик шарафига жажон бозорида тутган ўрни қандай? Республика "Пахта саноати" илмий марказининг бош директори Эркин МАКСУДОВдан ана шу хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Республика Президентининг 1992 йил ноябрь ойидаги фармони билан "Ўздавпах-тасаноатсотиш" ассоциациясининг ташкил этилиши мамлакат пахта саноати илмий маркази зиммасига ҳам улкан масъулиятлар юқлади. Жумладан, илм-фан ютуқларида асосланиб, пахтага дастлабки ишлов бериш корхоналари учун замонавий ускуналарни яратиш, камхарж технология жараёнларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, пахта сифатини жаҳон кўрсаткичларига мослаштириш, дунё бозоридаги пахтанинг харид нархларини аниқлаш, шериклар топиш, чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиш каби бир қанча вазифалар юқланди, уларни адо этиш бизнинг бурчимизга айlandи.

Тўғри, илк қадамлар ҳамиша қийин бўлади. Республикамиз дастлаб мустақиллигини қўлга киритган пайтларда пахтани жаҳон бозорига олиб чиқиш осон кечмади. Гапнинг очиги, бу йўлда бироз янгиликлар ҳам бўлди, чунки пахтамизни сотишда Иттифок давридаги алмишқондан қолган давлат стандартларидан, яъни мутлақо жаҳон талабларига тўғри келмайдиган усулдан фойдаланилганди. Бу тажрибасизликмиёндан айрим чет эл ишбилармонлари ҳам усталик билан фойдаланишди. Яъни сифати паст баҳоланган пахтамизни, айрим чет эл ишбилармонлари арзон нархларда сотиб олиб, уни халқаро стандарт бўйича қайта баҳолаб, қimmat нархларда сотишларидан хабардоримиз. Демак ҳуроси шукки, ўзбек меҳнатқашининг не-не азоблар билан етиштирган пахтасини Марказдаги раҳбарлар ўтган 70 йил мобайнида арзон-гаровга пуллади.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан республикаимиз халқаро Ливерпуль пахтачилик ассоциациясига аъзо этилиши, мамлакатимиз пахтачилик учун жаҳон катта имкониятлар яратди. Бу эса ўз навбатида пахтамизнинг жаҳон бозорида қайси тури хариддорлиг, нархи қанча, шериклар топишдек мураккаб ишларни хал қилиш имконини берди.

Мамлакатимизнинг пахта бўйича ўз РСТ 604-93 янги давлат стандарти ўз вақтида ишлаб чиқилгани аини мудоа бўлди. Шу ўринда янги давлат стандарти аввалги ГОСТдан нимиса билан фарқ қилади, деган савол пайдо бўлиши табиий. Гап шундаки,

нархларда сотиш мумкин. Мазкур фирманинг бевосита кўмаги туфайли жумҳуриятимизнинг деярли барча вилоятларида замонавий ускуна ва компьютерлар билан қуролланган 16 та минтақавий лаборатория ва чет эл мутахассислари сабоқ берадиган классер (пахта сифатини қўлда ушлаб кўриб аниқлайдиган) мутахассислар тайёрлайдиган мактаблар ташкил этилди.

"Ўздавпахтасаноатсотиш" ассоциациясининг тузилиши пахта маҳсулотларининг сифатини ошириш, таннархини камайтириш ва ҳозирги бозор иқтисодига ўтишдек масъул вақтда пахта саноати корхоналарини бошқариш усулларини яратишда илм-фан ютуқларига асосланиб иш олиб

заводаларидаги ҳаво қурилмаларини механик қурилмаларга алмаштириш ишлари ажж олдирилди. Масалан, Чиноз пахта заводида амалга оширилган шундай тадбир тозалаш самарасини деярли икки баробарга оширди.

Юқори самарали пахта қуриш ускунаси яратилди ва ишлаб чиқаришда жорий этилмоқда. Бу эса ҳар бир пахта заводи микесда 70 тонна шарли ёниги еки 180 мвт. электр энергиясини иқтисод қилиш имконини берди. 86 араллик жин машиналарида аралар сонини 100 тага етказиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бунинг натижасида пахта толасини ишлаб чиқариш микдори янада кўпайди.

Саноатимизнинг рентабеллигини оширишда пахта толасининг

Ассоциация томонидан Янгйўл туманида қуввати 25 минг тонна бўлган янги пахта заводи қуриляпти. Ушбу корхонада олим ва иxtиروحилар томонидан тақлиф қилинган, конструкторлар томонидан яратилган дунё талабига жавоб берадиган энг замонавий технология ускуналар ва анжомлар синовдан ўтади. Шу йилнинг охирида асосий қурилмаларни тиклаш ва қисман монтаж ишлари тугалланади.

Пахта маҳсулотининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини белгилайдиган физик-механик ва йигирув-технологик хусусиятлари мажмуида муайян оқшлар кўза ташланиб қолаётир. Бу муаммони ҳал этмоқ учун янги навлар яратиш, уларни районлаштириш соҳасида

фойда олиш мумкин.

Сифат кондициялари камайишининг энг асосий сабабларидан яна бири селекцион навларнинг кўп хиллигидир. Ҳозирнинг ўзида пахтанинг 30 хил нави районлаштирилган. Хар бир вилоятда 7—8 хил, баъзи тумаларда, ҳатто айрим хўжаликларда 3 — 4 хил навлар пахта етиштирилади. Бу эса пахтанинг механик ва биологик жиҳатдан инфлоланишига олиб келмоқда. АҚШнинг бутун пахта майдонларида ҳаммаси бўлиб фақат 7 хил гўза ўстирилади. Бунда энг етакчи селекцион нав 25 фоизга яқин экан майдонларини банд қилади, қолган навлар эса хар бир шатнинг тупроқ ва иқлим хусусиятларини ҳисобга олиб районлаштирилади.

Кисс учун келтирилган бу маълумотлар янги пахта навларни районлаштириш ишида илмий асосланган концепция зарурлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Хукуматнинг пахта минтақасида районлаштириладиган селекцион навларни тахминан 2 баробар қисқартириш тўғрисидаги қарори бу борада катта ердам беради, деб ишонамиз. Республикамиз малакали селекционер мутахассисларга эга. Утган даврда жумҳуриятда 6 марта нав алмашиниш ўтказилди, уларнинг хар бири ҳосилдорлигини ошириш, тола сифатини яхшилаш ва унинг микдорини кўпайтиришда муайян натижалар берди.

Ўз навбатига уюшма бу муаммони ҳамкорликда ҳал этиш юзасидан сўнгги йилларда бир қатор амалий тадбирлар ҳам қўрди. Хусусан, уруғлик қитилар тайёрлаш технологиясини тақомиллаштириш мақсадида республиканинг бешта вилоятида (Бухоро, Наманган, Сурхондаре, Тошкент, Фарғона) жаҳон банки кредитлари ҳисобига йиллик ишлаб чиқариш қуввати 45 минг тонналик уруғлик пахтани тозалаш заводалари қуришмоқда, улар чет эл асбоб-ускуналари билан ҳам таъминланади. Шунингдек, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиқозлаш доирасида хар бир вилоятда бир-иктадан мавжуд пахта заводида уруғлик қитил тайёрлашга иқтисодлаштириш қўзда тутилмоқда. Бу республика эктнежи-ни тўлиқ таъминлаш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, уюшманинг сўнгги икки йил ичидаги фаолияти республикаимизнинг халқаро пахта бозорига дадил кириб бориши йўлида қилинаётган кўп қиррали ишлар билан ҳамбарчас болди.

Сўбатини "Халқ сўзи" мухбири Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ уюштирди.

Ўлмас Раҳимбекович УМАРБЕКОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудаликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Давлат мукофотининг лауреати Ўлмас Раҳимбекович Умарбеков узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 60 ёшида вафот этди.

Ўлмас Умарбеков 1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент Давлат университетини тахсил олди. Иш фаолиятини Ўзбекистон радиоси муҳаррирлигидан бошлади. Кейин бир неча йил Ўзбекистон Республикаси марказий раҳбар органларида масъул лавозимларда ишлади. "Ўзбекфильм" киностудиясининг директори вазифасида тахсил қилди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон маданият вазири ва Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари каби юксак

лавозимларда фаолият кўрсатди.

Ўлмас Умарбеков ўзбек китобхоналарига "Бобоёнқоқ", "Болгар қўшиқлари", "Кимнинг ташвиши йўқ", "Би хикоялар тўплами билан танилди. Сўнг йирик насрий жанрларда қалам тебратиб, "Севгим — севгилим", "Дамир Усмоновнинг икки баҳори", "Ёз ёғири" каби қиссалари, "Одам бўлиш қийин", "Фотима ва Зўхра" романларини яратди.

Ўлмас Умарбеков атоқли драматург ва моҳир киносценарийчи эди. Унинг қаламига мансуб "Комиссия", "Қиёмат қарз", "Шошма, қуёш", "Қузнинг биринчи кунин", "Ўз аризасига кўра", "Тўхмат" асарлари мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг театрларида сахналаштирилиб, томошабинлар муҳаббатига сазовор бўлди.

Ў ўзбек миллий маданияти ва санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган катта истеъдод эгаси эди. Шу тўғрисида ҳам унинг бу соҳадаги хизматлари бир қатор юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Ажойиб инсон, атоқли санъаткор, қобилияти ташкилотчи раҳбар Ўлмас Умарбековнинг ерқин хотираси халқимиз ва адабиётимиз илосмандлари қалбига абадий яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, А. МУТАЛОВ, И. ЖҲРАБЕКОВ, С. САИДҚОСИМОВ, Т. АЛИМОВ, Х. ЖҲРАБЕВ, Э. ВОХИДОВ, Э. ХАЙИТБОВ, М. ҚАЮМОВ, Ж. КАМОЛ, А. ОРИПОВ.

1994 йилги пахта ҳосилини тайерлаш бўйича 10 ноябргача бўлган маълумот

Вилоятлар	Режага нисбатан фоз ҳисобида тайерланган			
	Жами		Шу жумладан машинада терилган	
	Бир кунда	Маъсум бошдан бер	Бир кунда	Маъсум бошдан бер
Хоразм	0.06	106.70	0.02	9.14
Андижон	0.16	106.46	0.04	28.75
Қашқадарё	0.03	104.90	0.00	67.92
Наманган	0.17	103.69	0.02	44.02
Бухоро	0.11	101.89	0.00	3.72
Фарғона	0.27	101.88	0.01	15.97
Навоний	0.22	96.62	0.06	28.20
Сурхондарё	0.52	95.28	0.01	32.51
Самарқанд	0.21	94.59	0.01	27.17
Тошкент	0.25	93.74	0.04	59.26
Қорақалпоғистон				
Республикаси	0.28	83.42	0.07	25.71
Сирдарё	0.21	80.79	0.11	59.97
Жиззах	0.20	80.51	0.04	57.72
Ўзбекистон Республикаси бўйича	0.21	96.38	0.04	39.62
1993 йил шу кунгача тайерланган пахта	0.66	91.96	0.33	52.90

АКС САДО

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Биз, матбуот ва нашриёт ходимлари, кейинги пайтларда қозғо хусусидаги хар бир хабарни интиқлик билан кутиб олмақдамиз. Бунинг боиси ўзингизга маълум: фаолиятимиз воситаси бўлган қозғо нархи кейинги уч-тўрт йил ичида бир неча минг баробар (!) ошиб кетди ва бу жараён ҳали-бери тўхтайдиганга ўхшамайди. Илинжизми эса, умидли дунё деганларидек, зора қозғо нархи тушибди-еки ўзимизда ишлаб чиқарила бошлабди, деган муждани ешитишда қолган.

Шу боис яқинда Жумҳурият Давлат матбуот кўмитасининг раиси Рустам Шогўломовнинг "Халқ сўзи" рўномасида эълон қилинган "Ўзбек қозғо — мустақиллик белгиси" сарлавҳали мақоласининг чоп этилиши аини мудоа бўлди.

Халқимиз доимо нондан кейинги ўринга маърифатни қўйиб келган. Маърифат эса қозғо билангина юзата чиқади. Ўз навбатида фақат маърифатли халқни ўзлигини англаш асосида истиқлолнинг қадрини чинакамга ҳис этади, уни авайлаб-асрашга, лозим бўлса, ҳимоя қилишга ўзида ички эҳтиёж сезади.

Улуг файласуфлардан бири: "Халқ фақат нон билан тирик эмас. Зеро, қорни тўйган одам: "Энди-чи?.. " деган саволни қўяди," дея егзанида минг бора ҳақ эди.

Бошқа бир буюк ёзувчимиз, устоз Абдулла Қодирий: "Мозийга қайтаб иш кўрмак хайрли..." дея лутф этган.

Биз қозғо соҳасида мутахассис думасиз. Бироқ касбимиз тақозосига кўра олимлар даврасида тез-тез бўлиб тураимиз. Бундан икки йилча мукаддам ҳам Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бир гуруҳ олимлари билан учрашиб, улар тажрибахона шароитида чиқиндилардан тайерлаган бир неча хил қозғо навларини кўриб, беҳад севингандик. Афсуски, маблаг масаласи бу жонқуяр олимлар гоёсининг корхоналарга кўчүвиги тўқиндик қилганди. Шунга аминимизки, истеъдодли олимлар жумҳуриятимизда қўллаб топилади. Балки ҳукумат микесда уларнинг бошани қовуштириб, гоёларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, энг мақбулини эса амалиётга жорий қилиш вақти алақачон етиб келган.

Бугунги кунда нашриётларимизда, газета ва журналлар тахриратларида қанчадан-қанча сара, элимизнинг маънавий савиясини оширадиган асарлар борлиги сир эмас. Қани энди имкон бўлса-ю, уларнинг барисини чоп этиб, зўжко китоб мухобилари қўлига етказас. Бунинг учун қозғо, қозғо ва яна қозғо керак, ҳолос.

Европа мамлакатларидан бирида ташландик қозғо еҳуд ўқиб бўлиган газет-ни симеогча ўрнатилган махсус автоматга ташласангиз, ундан "Катта раҳмат" деган мусиқали овоз ҳамда қинкинага соға чиқаркан. Бизда эса қозғо Россиядан катта пул эвазига сотиб олиб келинаётганига қарамай қозғо тежамкорлигига унчадлик эътибор берилмаётти, махсус очиб қўйган қозғо қабул қилиш жабҳалари ҳам ейинки бутунлай ишламайди, е ишласа ҳам "Қозғо эвазига бериладиган нарсамиз йўқ", деган гапни тўтидек такрорлаб туришдан нарига ўтмишайди.

Мақолада таъкидлаб ўтилганидек, "Қозғо — бу сиеат, мустақил давлатнинг муҳим белгиси..." Демак, қозғо мустақиллигини қўлга киритиш — бунёд этиладиган буюк давлатимизнинг мустаҳкам асосларидан биридир.

Ҳажмакбар ШАЙХОВ,
Нормурод НАРУЗУЛЛАЕВ,
Малик МУРОДОВ,
Мурод ХИДИР,
Абдуқамол ЙЎЛДОШЕВ.

Касаба уюшмаси ҳаётидан

ҲОЙДАЛИ САҒАР

Республикаимизга таширф буюрган Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида меҳмонлар шарофига қабул маросими бўлиб ўтди. Делегация раҳбари — УКУФК биринчи котиби, раис ўринбосари Чжан Динхуа билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Х. Б. Жамолов касаба уюшмалари фаолиятининг ҳозирги долзарб муаммолари, ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Хитойлик меҳмонлар "Тошкентер" ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкентдаги 59-мактабда, Тошкент вилоятининг "Политотдел" жамоа хўжалигида бўлдилар. Меҳмонлар Самарқандга сафар чоғида бу қадимий шаҳарнинг тарихий ва меъморчилик ёдгорлиқлари билан танишди. Шунингдек, делегация "Чинке" дам олиш масканда, "Амифос" ишлаб чиқариш бирлашмасининг пансионатида ҳам бўлиб, меҳнатқашларнинг дам олишини ташкил этиш тажрибаси билан танишдилар.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг матбуот ва ахборот шўъбаси.

ЁШЛАР УЙЛИК БЎЛДИ

Андижонлик еш ижодкорларини қўвчино чексиз: вилоят ва шаҳар ҳокимиятларининг сый-ҳаракати билан уларнинг ўттиз нафарига Бўстон даҳасида қурилган янги уйдаги хоналарнинг қалити топириди.

Республика Президентининг еш ижодкорларини уй-жой билан таъминлаш борасидаги фармонини тезроқ ҳаётга таъдиқ этиш мақсадида вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.



ҚАНДОЛАТЧИЛАР

Ойсара Иброҳимова 30йилдирки, қандолатчилик соҳасида меҳнат қилади. Шу даврда юздан зиёд шоғирлар

тайерлади. Ойсара она аини пайтда Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги мактаб ошхоналари комбинати

қошидаги қандолатчилик цехини бошқармоқда. — Комбинатимиз аҳли 51 та мактабда таълим олаётган 26 минг ўқувчиға хизмат кўрсатади. — Биргина қандолат цехида ҳар ойда 300-310 минг

сўмлик 20 турдаги маҳсулот тайерламоқда, — дейди комбинат раҳбари Марат Сафаров. СУРАТДА: Ойсара Иброҳимова шоғирларни билан. Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Халқ сўзи" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

"ХАЛҚ СЎЗИ"НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА ТАРТИБДАГИ

йиллик обуна баҳоси — 276 сўм

олти ойга — 138 сўм

уч ойга — 69 сўм

бир ойга — 23 сўм

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

бир йилга — 624 сўм

олти ойга — 312 сўм

уч ойга — 156 сўм

бир ойга — 52 сўм

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, "ХАЛҚ СЎЗИ"ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

МУШТАРИЙЛАРНИ ХАТ ЁЗИШГА НИМА МАЖБУР ҚИЛАЯПТИ?

(ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН МАКТУБЛАР АСОСИДА)

Бизга муштарийлардан ҳар кунги ўнлаб хат-хабарлар келади. Унда газетхонлар ўзаранинг муаммо, ташвиш ва қувончларини изҳор қилишади.

“Ўтган киш бир ойлик фарзандим билан катта кўчада қолиб кетдим, — деб ёзади сурхандарелик муштарий Дилором Ҳасанова. Бораёй десам жойим, турай десам уйим йўқ. Бу борада неча бор вилот ҳокимлигига мурожаат қилдим. Улар ҳар сафар кўйимни пуч етгочқа тўлдирибди нарта ўттирмади...”

“Хўрматли таҳририят, сизларнинг ерданингизга муҳтожмиз, — деб бошлади ўз мактубини чинозлик Гўзал Шарипова. — Маҳалламизда водопроводдан ичимлик суви келмай қўйганига яқинда беш йил бўлди...”

“Яқин-яқингача Андижон шаҳар ҳокимлиги рўпарасида асримиз бошида қурилган нақшкор бино қад ростлаб турарди, — деб кўриб ёзади Андижон шаҳар, Навоий шох кўчаси 82-уйда яшовчи М. Валиева. — Афсуски, қадимий меъморчилик намунаси ҳисобланган бу бино 2-3 кун ичида қарабга айланиб, ёғочу гишлар талон-тарож қилинди. Айни пайтда унинг ўрнида тўққиз қаватли бино қуришга тайёргарлик қўйилапти...”

Юқоридagi мактубларни ўқиб экансиз, ўз-ўзидан: “Муштарийларнинг қўларига қалам олиб, ён-атрофда туланиб қолаётган муаммо ва камчиликларни ёзишга нима мажбур қилди экан,” деган савол туғлади. Унинг асл сабабларини излаш учун кўп бош қотириш шарт эмас. Чунки жойлардаги айрим раҳбарларнинг ҳали ҳам туррачилик касалигидан фориғ бўла олмагани, халқ билан ўрта бўлин раҳбарлар ўртасидаги маъмурий номуносибликлар ҳамда уларнинг ҳолидан ҳар

доим ҳам хабар олмастик ана шундай муаммо ва камчиликларни юзга чиқишга имконият яратмоқда.

Таҳририятимизга келган айрим хатлар билан танишар экансиз, кўнглингиз бенхтиер равшан тортиди. Улар ўз мактубларига ҳаётда олижаноб инсонлар кўнглигини, улар туғилган ҳаёт ҳақида чаргон эканлигини бот-бот тақдорлариди.

“Яқинда неварам Зилола юқумли гепатит касалигига чалиниб қолди, — деб ёзади Наманган шаҳридан Ҳабиба ая Эргашева. — Врачларнинг маслаҳати билан пойтахтга келиб: “ТашМИ-2” клиникасида бир ҳафта даволатдим. Неварамнинг тезда оёққа туриб кетишида, айниқса бўлим мудири Нодира Ҳошимованинг хизматлари беқиссидир. Мен Нодирахонанинг ширинсузлиги ва меҳрибонлигига таҳсин ўқидим. Қани ҳамма шифокорлар ҳам Нодирахонга ўхшаб очик кўнгли ва саховатли бўлса...”

Шунингдек, тошкентлик С. Сафоев, жиззахлик Б. Шомонов, ҳоразмлик С. Маллаев ҳамда андижонлик онахон Ш. Мирзаевларнинг мактублари ҳам

миннатдорчилик туйғуларини билан тўлиб-тошган.

Таҳририятимизга ўтган ой мобайнида газетхонлардан 400 дан зиёд мактуб келди. Унинг 95 фоизига яқинидан фойдаландик. Айрим шикоятлар текшириш ҳамда чора кўриш учун вилот, туман ҳокимлиги ва прокуратурасига юборилди. Келатган хатлардан ташқари таҳририятимиз эшигини қоқувчи ҳамда қўнғироқ қилувчиларнинг ҳам сон-саногини йўқ.

— Мен бу гал шикоят эмас, газетга миннатдорчилик мактуби битаётганимдан жуда хурсандман. Чунки унинг аралашуви билан анча йиллардан буён қийнаб келатган муаммоларим ҳал бўлди, — деб ёзади Наманганлик Турди Ментлиқов.

Самарқандлик Ойсулов Муродова, ҳоразмлик Акмал Алибеков, тошкентлик Майрам Отоулласевлар ҳам ана шундай мазмунда мактуб йўллашган.

Сўнги илжик билан нажот излаб келганларга ердан қўлини чўзиш савоби азимдир. Уларнинг муаммолари ҳал бўлган кун биз учун ҳам байрам ҳисобланади. Чунки дунёда сенга ишониб келган инсоннинг ишончини оқлагдан бахтлироқ нарсас йўқ.

Хатлар, шикоятлар ва омавий ишлар бўлими.

Андижон шаҳрининг Бобур номидаги маҳалласида уста-ҳунармандлар растаси иш бошлади. Ҳозир мазкур расталар жойлашган кўчада олтишдан ортиқ ҳунармандлар, элликдан зиёд усталарнинг дўкониди иш қизғин. Бу ерда пичоқдан тортиб бешиккача, умуман, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган барча маҳсулот турлари тайёрланмоқда. Уста-ҳунармандлар ишидан вилот аҳли мамнун.

СУРАТДА: Бешикчи Сотволдихожи Мадаминов.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

• Муштарий танқид қилади

ИШЛАМАЙДИ, ЛЕКИН ҲАҚ ОЛАВЕРАДИ

Афанди ариққа йиқилиб тушиб, еш бўлганимда ҳатлаб ўтган бўлардим, деб наҳомат чекибди. Атрофга қараб, ҳеч кимни кўрмагач, ешилингизда ҳам гўр эмасдир, деган хат ўзига ўзи.

Қиссадан ҳисса шуки, бугун баъзи кишилар ишдаги камчилиги етишмовчиликларни бозор иқтисоди қийинчиликларига йўйиш оdatланиб қолишган. Аспиди-чи? Аспиди эса бор ички

имкониятлардан фойдаланишни ҳам ўзларига эп кўришмайди. Масалан, телефон алоқаси борасида Сурхондарёда не-не можаарол бўлмади, дейсиз. Бизнинг таъминотида бир пайлар икки телефон нуқтаси бор эди. Ташкилотга тегишли 2-70-54 рақамли телефон исси “Йўқолди”. Ундан ҳамон дарак йўқ. Иккинчи телефони эса 1986 йилдан буён бир ой ишласа уч ой “дам” олади.

Бу ҳақда учрашмаган ташкилотимиз қолмади ҳисоб.

Шу йилнинг январь, февраль, май ойлариде телефониимиз ишламади. Икки ой ишлагач, август ойидан ана алоқа тақат-тақ тўхтади. Телефон хизмати ҳақи кун сайин ошиб бормоқда, алоқачилар эса хизмат кўрсатилмаган ойлар учун ҳам ҳақ ундириш билан овора.

Уларга теккан ана бир тузалмас “касалик” борки, эшитиб лол

қоласиз. Агар сиз бирор шаҳар билан гаплашиш учун буюртма берсангиз оддий буюртма ўрнига тез бажариладиганини эзиб қўйишди. 3 дақиқа гаплашсангиз 5 дақиқа учун ҳақ тўлаёсиз, устига-устак буюртма бажариладиган йўқми барибир пулни ўз фойдаларига эзиб қўйверишади. Бунга қачон чек қўйлади, алоқачилар масъулиятни қачон ҳис этишади? Бу фақатгина мутасаддиларга боғлиқ.

Ж. ЖУМАҚУЛОВ.
Сурхондарё вилоти халқ таълими объектлари кўрилиш дирекцияси директори.



ХАЛҚ СЎЗИ - ҲАҚ СЎЗ



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ - ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

• Муштарий танқид қилади

АРО ЙЎЛДА ҚОЛИБ КЕТДИ

Қўшработ туманидаги “Урганжи” ижара хўжалигининг 4-бўлимида истиқомат қиламиз. Қишлоғимиз билан хўжалик маркази 30 километр масофани ташкил этади. Хўжалик марказига келган одам қанчалик ҳаракат қилмасин, кечгача ҳам қишлоғига етиб бормайди.

Сабоби транспорт қатнамайди, устига-устак йўл ёмон. Тўғри, 1992 йил 6 километрик йўл асфальтланган қўшработ бўлиб қолди. Бироқ орадан кўп ўтмай бошланган ишлар аро йўлда қолиб кетди. Натижада, аввал тартибга келтирилган йўл ҳам таъмирталаб бўлиб қолди. Ўтган йили йўл қурилиши учун 22 млн. сўм-купон ажратилди, дейишганди. Лекин ундан ҳозиргача ҳеч қандай дарак йўқ.

Кўп арз-дод ва югур-югурдан кейин қишлоғимизнинг “тоғ зонаси” эканлиги ва ёгин-сочин кўп бўлишини ҳисобга олиб “Урал” машина-автотраси қатнови йўлга қўйилган. Уни ҳам ҳудо кўп қўрди. Биз тоғликларнинг гуноҳимиз нима?

Р. ЭРОНОВ, Ш. ХЎЖАЕВ, Э. УМРЗОҚОВ, ва бошқалар. (жам 12 йаш).

• Муштарий танқид қилади

ШИППАКЛИ... ТЕРИМЧИЛАР

Бизнинг ерлар шўр бўлганлиги учун, озгина ёмғир ётса бўлди, экин майдонлари дарров ботқоққа айланади-қўяди.

Оёғида шиппак еки қалиш билан пахта тараётган теримчининг ҳолини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Кўрза этик анқонининг уруғи: уни ҳеч қаердан топиб бўлмайпти. Кўрганлар бўлса, Бериун тумани деҳқонларига хабар қилсалар, савобнинг тағида қолган бўларди.

Т. ТУРАЕВ.

• Муштарий танқид қилади

ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ЙЎЛ БЕРИШМАДИ

Анчадан буён Денов туманидаги Охунбобоев матлубот жамиятига қарашли биринчи дўконда ишлаб келаман.

Бир йилга яқин ҳаракат қилиб, ўзим ишлаётган дўконни хусусийлаштиришга олмадим. Барча югур-югурларим бесамар кетди. Матлубот жамияти раҳбари М. Исмоилова охири дўконни ҳисобчи Т. Муминовга хусусийлаштириб берди...

Раъно ГАНИЕВА, Сурхондарё вилоти.

• Муштарий танқид қилади

ЕРТЎЛАДА БАЛИК БОҚМОҚЧИМИЗ

Ҳа, ишонаверинг, ҳозирги кунда балиқчилик хўжалиги билан шартнома тузиш арасидаман.

Нега дейсизми? Биз яшаётган уй бундан роппароса олтиш йил муқаддам қурилган бўлиб, сув қурувлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Унда йил бўйи сув бўлмайди. ертўлада эса... аксинча. Арзимизни ҳеч ким тингламагач, иш-билармонликни иштиер қилиш... Балиқ, балиқ-да?!

Э. АХМАДЖОНОВ, А. ЭНДАЛЪНАНТ, МУРИКЕВ, Юнусобод тумани, Незебк йўли кўчаси, 29 уй.

• Дил изҳори

УЛ ЧОЙШАБДА ЁТМОҚЧИ БУ, ҲАНГИЗ 658-ПОЕЗДГА ЧИҚИНГ

Бундан бир ой муқаддам матбуот саҳифаларида Ўрта-Осиё темир йўлидаги кўнгли хираликлар, тартибсизлик ҳамда вагон ичидаги шайхонлик қилинганлиги таъкид қилинган. Ушундан кейин энди ҳаммаси изга тушар, камчиликларга барҳам берилар, деб ўйлагандик. Лекин...

Яқинда оилам билан 658-поездда Чортоқ оромоҳида дам олиш учун бораёндик. Рост гап Чортоққа минг бир азоб билан етиб келдик. Поезд вагонлари гарчи Олмонидан келтирилган бўлса ҳам аҳоли шу қадар ҳароб эдики, кўриб кўнглингиз бузилади. Вагонда

кондиционер уеқда турсин, йўловчиларни етиб дам олиб кетишлари учун зарур бўлган чойшаб ва естиқ жилди ҳам йўқ эди.

Оромоҳдан қайтишдаги аҳвол эса ундан ўн чандон ортиқроқ бўлди. Йўловчиларга ҳўл чойшаб тарқатишди. Устига-устак неадир ҳеч кимса сочиқ беришмади. Чойшабни алмаштириш ниятида вагон хизматчиласи учрашганимизда, у шерица: “Мана бу акамизнинг пулларини қайтариб бер, қайтариб етсинлар”, деди. Бундай тартибсизлик ва ўзи бўларчиликка қачон барҳам бериларкин?!

Қ. УСМОНОВ.

• Дил изҳори

ЎКСИК КЎНГЛИМИЗГА МАЛҲАМ БЎЛДИ

16 ешадман. Қарангоғимда икки нафар — бири 10, бири 7 ешдаги укаларим бор. Уч йилдирки, баҳоли қудрат оиламизни тебратиб келаямиз.

Ҳозир Хонабоддаги 6-лицейда ўқийман. Бу орада кўп ҳунармандларга шоғирд тушиб, анча касб ўргандим. Шукурки, кўн-қўшилариимиз аҳолиимиздан баҳобар бўлиб туришибди. Яқинда биз яшаётган 133-уйнинг 8-хонадонига маҳалламиз оқсоқоли Мухаммаджон Мамажонов кириб келди. Янаш шароитимиз билан танишгач, маҳалла кўмитасига боришимни ташинладилар. Минг бор истиҳола

билан у ерга бордим. Оқсоқол менга Вазирлар Маҳкамасининг кам таъминланган ошпадарига моддий ердан кўрсатиш ҳақидаги қарорини ўқиб берди. Ва мендан ариза ёздириб қолди. Орадан кўп ўтмай, шаҳардаги жамғарма банкдан уч ой давомида 250 сўмдан пул берилиши ҳақида буйруқ чиққанини эшитиб бошим қўкка етди. Биз-уч норасидилар бағри кентиклар дардида малҳам бўлаётган республикамиз ҳукуматидан, барчанинг оғир-еңглишдан баҳобар бўлиб, уларга мадад бераётган оқсоқоларимиздан миннатдоримиз.

И. СОЛОХУНОВ

Андижон вилоти, Хонабод шаҳри.

• Мулоҳаза

ҚАЕРДАН ОЛИШАЯПТИ?

Маълумки, тижоратчилар учун фақат хорижий маҳсулотлар билан савдо-сотик қилишга рухсат берилган.

Аммо чайқовчи-ю, тижоратчиларнинг қўлига ўзимизнинг завод ва фабрикаларимизда ишлаб, сотувга чиқарилган пайпоқ, қалиш, ҳамда тамаки маҳсулотлари қаёқдан тушиб қолмоқда? Қўзқ жойи шундаки, бундай ҳолатни нафақат Маригили шаҳрида, балки жумҳуриятимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида ҳам учратиш мумкин. Уни назорат қилиш ва тартибга солишнинг иложи йўқмикин?

Умарали ТУХТАСИНОВ, Охунбобоев тумани

ЎҚИТУВЧИЛАР ТЕСТ-РЕЙТИНГ ТОПШИРАР ЭМИШ

Яқинда туманимизда антика кашфет ўйлаб топилди: уч ярым мингдан зиёд ўқитувчининг барчаси ўз мутахассислиги бўйича тест-рейтингдан имтиҳон топширармиш. Тест-рейтингда 50 дан ортиқ савол бўлиб, унда 1800 балл тўплаш

зарур экан. Синов шартнома-масга кўра қониклари жавоб бермаганлар ойлик маошининг 20 фоизидан маҳрум этилади. Жавоблари умуман қоникарсиз бўлганлар эса ўқитувчиликдан четлаштирилади. Яқин ва аъло баҳо олишса, 3 йил

тест-рейтинг топширишдан озод этилади.

Тест-рейтинг бу йил сентябрь ойида ўтказилган бўлса, янги ўқув йилидан бошлаб доимий равишда ўтказиб борилад экан. Қизик, Тошкентдаги А. Авлоний

ҚИЗИМИЗНИНГ ҲАЁТИГА ЛОҚАЙДЛИК ЗОМИН БЎЛДИ

Эндигина биринчи синфга қадам қўйган қизим лоқайдлик туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Машхура 1994 йил 16 февраль кунни мактабдан боши оғриб қайтди. Тиббий ердани чакирганимизда, навбатчи врач Фахриддин Усмонов касаллигини истимасини ўлчатгач, бизда ҳеч қандай дори йўқ, ароқ сурканлар еки “анальгин” ичиринглар, деб маслаҳат берганича қайтиб кетди. Кечки соат 22 ларда ана тез ердани чакирганга мажбур бўлдик. Бу сафар Ф. Усмонов ўзи билан Б. Фаёзуллаев деган шеригини ҳам бошлаб

келди. Улар Машхуранинг кўнгли айнишини кўриб: “Отравление” бўлиши мумкин, юқумли касалликлар шифохонасига етказамиз”, деб қизимни олиб кетишди. Шифохона врач Екубжон Ахмедов диагноз қўймай, бош врач С. Галилуллинни чакириб келди. Бош врач ҳам беморни кўриб аниқ бир нарсга демади. Охири улар Машхурани реанимация бўлимига етказишди.

Реанимация хонасида ҳам қизим

безовталана, интрав эди. Врачдан: “Тузалиб чиқиши учун қандай дори-дармонлар зарур. Ўзим топиб келаман”, деганимда, “Бизда ҳамма дорилар бор, фақат сейфнинг қалитини катта ҳамшира олиб кетган”, деб жавоб қилди. Врачнинг бу сўзларини эшитиб, хунобим баттар ошди. Ахир шифохонада ўйлаб беморлар шифо истаб етса-ю, дори солинган сейфнинг қалити чўнтақларда юрса...

Шифокорларнинг лоқайдлиги, тажрибасизликлари туфайли қизим Машхура тонгда ҳаёт билан виллолашди. Аммо ҳеч ким ҳеч қандай жаъо олмади.

Сайдахмад БОЗОРБЕКОВ, Бекобод шаҳри.

• Оилавий нуҳрат

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Бухоро вилотиининг Бухоро туманидаги “Маданият” жамоа хўжалиги аъзоси Шамсия Уринова ўғли Шомурод Қўрбонов билан шартнома асосида тўрт гектар ерни ижарага олиб, қичит қадаган эди. Ўз вақтида сутуриш, озиклантириш, гўзани агро-техника талаблари асосида парварит қилиш натижасида “Бухоро-6” пахта навидан мўл ҳосил олинди.

Оилавий пудратчиларнинг шу кунга қадар топширган пахтаси йигирма тоннага яқинлашиб қолди. Улар айни пайтда ҳар гектар пахта майдонидан эллик беш центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қилишапти.

Ҳафиза ГАФФОРОВА.

• “Халқ сўзи” аралашгач

ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

(“Тақдирланмаган” “Тадбиркорлик” “Халқ сўзи”.)

1994 йил 19 октябр).

Тошкент вилоти халқ таълими бошқармаси жамоасида Бўжа тумани 17-ўрта мактаб ҳақида эълон қилинган ушбу мақола атрофлича муҳокама қилинди.

Ўрганиш натижасида мактабнинг моддий-техника базаси, таълим-тарбия ишларининг ёмонлиги, мактаб маъмуриятининг раҳбарлик фаолиятидаги жиддий камчиликлар, асосан, тасдиқланди. Ўрганиш натижалари халқ таълими бўлими раҳбарияти иштирокида туман ҳокимлигига муҳокама қилинди ва тадбир-чоралар белгиланди.

Ўқув-тарбия жараёнида камчиликларга йўл қўйилганлиги, ички назоратни бўшаштириб юборгани учун мактаб илмий бўлам мудири Р. Акмирзаева лавозимидан четлаштирилган.

Таълим-тарбия соҳасида йўл қўйилган жиддий камчиликлар, ички назоратни бўшаштириб юборганлиги, педагогик жамоалар ўртасида соғлом муҳит ташкил этолмаганлиги, мактаб моддий-техника базасини яратишда сусткашликка йўл қўйилганлиги учун туман халқ таълими бўлимининг 1994 йил 26 октябридаги 280-сон буйруғига асосан мактаб директори Исроиля Боиров ўз лавозимидан четлатилди ва директорлик вазифаси вақтинча тарбиявий ишлар бўйича мудири Д. Қайитовга юклатилди.

28 октябрда бўлиб ўтган вилот халқ таълими бошқармасининг кенгайтирилган маслаҳат кенгашида ушбу масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Ҳамма шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига мазкур мақолани мактаб педагогик жамоаларида муҳокама қилиш топширилди.

О. ТОЖИЕВ,
Тошкент вилоти халқ таълими бошқармасининг бошлиги.

• Газетада чоп этилмаса ҳам

УЙ БАҲОСИ ТАННАРХГА БОҒЛИҚ

Муҳарририятимизга Тошкент шаҳар “Сирғали-6” мавзесида қарашли 26-уйда истиқомат қилувчи бир гуруҳ кишилар 1992 йил Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Фарос” тижорат ишлаб чиқариш фирмасида уй олиш учун навбатга турганликлари, лекин нарх-навоининг ўзгариши натижасида унга қўшимча равиш-да ана бир неча марта пул тўлашларига ҳақида мактуб ёзишганди.

Биз уни текшириш ҳамда жавоб бериш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигига жўнатгандик. “Фарос” тижорат-ишлаб чиқариш фирмаси бош раҳбари С. Акбаров имзоси билан қуйдаги мазмунда жавоб мактуби олдик:

“Тошкент шаҳар ҳокимлиги қурилиш бош бошқармаси (КББ)нинг 1992 йил 27 мартда берган маълумотномасига мувофиқ юқорида қайд этилган 26-уйнинг нархи, дастлаб, 12 миллион 425 минг 820 сўм-купон бўлган. Кейинчалик таннархлар ошиши билан унинг нархи ҳам бир неча бор ўзгарган. Сўнгги маълумотларга кўра, мазкур уйнинг нархи қурилиш битказилгунга қадар 206 миллион 237 минг 625 сўм-купонга етган. Ана шу ҳисоб-китоб бўйича икки хонали уйнинг баҳоси 4 миллион 263 минг 60 сўм-купон. 4 хонали уйнинг баҳоси 7 миллион 192 минг 519 сўм-купонни ташкил қилади. Нархлар, оdatда, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг КББ томонидан ўзгариш индексациясига қараб белгиланади”.

СПОРТ

XII ОСИЁ УЙИНЛАРИ СОВРИНДОРЛАРИ
МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ

ҳамда еру биродарлари эди. Улар сарой олдида карнай-сурнай садолари билан кутиб олинди. Ватанимизнинг юксак мукофотларини топишириш маросими сарой ичра янграган юрт мадҳияси билан бошланди. Ушбу лаҳзаларда бутун залдагилар битта туйғу — Ватан билан ғурурланиш ҳисси атрофида дилдан бирлашди, десак хато қилмаймиз.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов очди ва йигилганларга спортчиларимизнинг XII Осие уйинларида эришган галабалари, унинг жаҳон майдонидagi аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси

барчаси хушчақчақ эди. Чунки ўша кунни пойтахтимизнинг муҳташам саройи томон оқиб келатганларнинг кўпчили-

ги Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган XII Осие уйинларининг совриндорлари ва уларнинг мураббийлари

Чоршанба кунни Тошкентдаги "Туркистон" саройи томон йўналган кишиларнинг юзидан табассум балқиб турар,



Шухрат МАҚСУДОВ
(футболчи):

— Футболчиларимизнинг XII Осие уйинларидаги муваффақияти футбол

"ШУХРАТ" ОРДЕНЛИ
ШУХРАТЛАР

оламида катта шов-шувга сабаб бўлди. Негаки, Европа, Америка китталари майдонларида мухлислари хайратдан ека ушлатган Саудия Арабистони, Корея каби терма жамоа футболчиларига қарши уйинларда уларни "тўхтатиб" қолиш осон кечмади. Айтиш керакки, дунё футболни Ўзбекистон мисолида биринчи бор футболни ривожлантиришда мамлакат миқёсида алоҳида қарор қабул қилишнинг нечоғли аҳамияти

катталитига гувоҳлик берди. Бизга топширилган унвонлар эса барча юртимиз спортчиларини бундан-да юксакроқ кўрсаткичларга эришишда алоҳида роль ўйнайди.

ШУХРАТ АҲМЕДОВ (мерган):
— XII Осие уйинларида медаллик бўлиб юртга қайтишни жуда-жуда истаган эдим. Бунинг қарам, озуғим ушалиб, бир эмас, икки эмас, бешта бебаҳо медални қўла


киритдим. Хиросима узра Ватанимиз байроғи мадҳиямиз садолари остида кўтарилган сонияларда қандай хаяжонланганимни билсангиз эди... Менимча спортчида бундан-да ортироқ бахт бўлмас керак. Бунинг устига Президентимизнинг фармонида кўра спортчиларимизни "Шухрат" медаллари ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" ҳамда "Ўзбекистон Республи-

Президенти номидан мукофотларни — "Шухрат" медаллари, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" унвони, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлигини эгаларига топширди. Айниқса, футболчиларга мукофотлар топшириладиган чоғларда зал узра гулдўрос қарсақлар янграб турди.

Шунингдек, ҳомийлар томонидан ҳам спортчиларга совғалар ҳадя этилди.

Осие уйинларининг уч олтин медаллари соҳиби, байдаркачи Иван Киреев спортчилар номидан сўзга чиқиб, ҳукуратимиз раҳбарларига миннатдорчилик билдирди. Республика-мизда спортга яхши эътибор берилаётгани ва бутараққийет сари етаклаётганини таъкидлади.

Тантаналар якунида мамлакатимизнинг санъат усталари ижросида катта концерт намойиши этилди.



устози" унвонларининг берилиши унутилмас воқеа бўлиб қолди. Биз спортчилар ҳукуратимиз томонидан билдирилган ишонч учун миннатдоримиз.

Обуна-95

Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон архитектураси ва қурилиш масалаларини ёритувчи "МАСКАН" журнали обуначилари диққатига!

Журнал таҳрир хайъати қатор молиявий ва техник сабабларга кўра, журнал 1994 йилда чоп этилмай қолгани учун сизлардан узр сўрайди. Сизга шунинг маълум қиламизки, журнал келгуси йилдан яна чоп этила бошлайди. Биз 1995 йил учун обуна эълон қиламиз. Журнал йилига олти марта чиқади. Бизнинг индексимиз: — 75381.

Журналга барча алоқа бўлимлари ва обуна қабул қилиш пунктларида езилишингиз мумкин.

Сизларнинг 1994 йил учун тўлағи обуна пулингиз обуна расмийлаштирилган жойда қайтариб берилади.

Биз сиз билан яна ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз.

«ИҚТИСОД ВА ҲИСОБОТ»

Бозор шароитига кириб борганимиз сайин иқтисодий билимлар бизга нақадар зарур эканлигини янада чуқурроқ хис қилмоқдамиз. Ўзбекистон иқтисодиётининг қонун-қоидалари, хусусийлаштириш босқичлари ва муаммолари, иқтисодий алоқалар, қўшма ва кичик корхоналар ташкил қилишнинг сир-синоатлари, фермерлик, яхши ҳамкорлар топиш ва шунга ўхшаш бошқа ўнлаб масалалар кўпчиликини қизиқтириши табиий. Бунинг учун турли қўлланма-ю, қалин китобларни титиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Барча иқтисодий билимларни ўзида жамлаган — "Иқтисод ва ҳисобот" — "Экономика и статистика" журналларига обуна бўлсангиз муаммоингиз ҳал бўлиб,

саволларингизга тез ва пухта жавоб топасиз. Иқтисод жиддий соҳа. Шунинг учун мутолаа мобайнида бироз толиқшингиз турган гап. Бундай пайтда журналимиздан ўрин олган "дам олиш саҳифаси"ни ўқиб, бутун чарчоғингиз езилишига қафолат берамиз. Бундан ташқари сиз журнал орқали тарихимизга оид энг сара мақолалар билан танишиш имкониятига ҳам эга бўласиз.

Қисқаси, журнал нафақат олимлар, мутахассисларники, балки барчамизникидир. Журнал сиз туғайли ва сиз учун чиқади.

Ушбу нашрга ҳар бир алоқа бўлимида обуна бўлишингиз мумкин. Бир йилга 124 сўм, ярим йилга 62 сўм.

НАВОИЙДА ЯПОНИЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

Навоийда Япония киноси кунлари бўлиб ўтди. Мазкур маданий тадбирни Навоий шаҳри ҳокимлиги Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказди. Япония киноси кунлари "Токио

24 соатда" хужжатли-манзарали ва "Комелия хоним" бадиий фильмлари намойиши билан бошланди. Тадбир давомида иш-тироқчилар Япониянинг ўзига хос кино санъати намуналари

билан яқиндан танишидилар. Навоийликларда катта таассурот қолдирган ушбу маданий тадбир ўзбек ва япон халқларининг дўстона алоқалари ривожига муносиб хисса қўшгани шубҳасиз.

Ўзбекистон ўрмон тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси

Марказий Қўмитаси

ТУГАТИЛАДИ

Барча давло ва муражаатлар эълон чиққандан бошлаб бир ой муддатга қабул қилинади.

Манзилимиз: Ўзбекистон шох кўчаси 49-а "Ўрмончилар уйи".

Тел.: 45-94-80, 45-98-67.

Ўзбекистон қорвончилиги илмий

тадқиқот илмий жамоаси шўъба

мудри А. А. Ризаевга отаси

Асқар РИЗАЕВнинг

вафот этганини муносабати

билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳрида 1994 йил 18 ноябрда кўчмас мулк бўйича қим ошди савдоси ўтказилади.

Савдога қўйиладиган ишхоналар қўйиладиган:

Қўнғирот "МЕҲМОҲОНА"СИ

Қўнғирот шаҳрининг марказий қисмида, темир йўл вокзали яқинида жойлашган. Уч қаватли. Эгалланган майдони - 2400 кв.м. Истиш, сув ва электр таъминоти тармоғи марказлашган, хоналар зарур ашёлар билан жиҳозланган. 1990 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 237 минг сўм.

ҲАММОН

Қўнғирот шаҳрининг марказий қисмида жойлашган. Бир қаватли деворлари пишиқ ғиштдан 1960 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 8 минг сўм.

ҲАММОН

Қўнғирот тумани Устюрт жамоа ҳўжалигидаги "Жаналик" аҳоли пунктда жойлашган. Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан. Алоҳида қозонхонаси бор. Сув ва электр таъминоти марказий манбаларга уланган. 1992 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ҲАММОН

Қўнғирот туманида жойлашган. Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

ҲАММОН

Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан. Алоҳида қозонхонаси бор. Электр сув таъминоти марказий манбаларга уланган. 1986 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН БОЛАЛАР

Қўнғирот шаҳрининг "Олтинқўл" посёлкасида жойлашган. Қўрилиш 1991 йилда бошланган. Ҳозирги вақтда баъзи деталлар ва қисмларнинг етишмаслиги сабабли ундан фойдаланилмайпти.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Қўрилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор қўрилиш 100 фойзга бажарилган. Ажратилган ер майдони - 0,06га.

Бошланғич баҳоси — 1 минг сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Қўрилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор қўрилиш 30 фойзга бажарилган. Ажратилган майдони - 0,08 га.

Бошланғич баҳоси — 500 сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН МАИШИЙ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Қўрилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор ишлари 100 фойзга бажарилган. Ажратилган ер участкаси - 0,80га.

Бошланғич баҳоси 3 минг сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Пойдевори ва деворлари темир бетон блоклардан.

Бошланғич баҳоси — 7 минг сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Пойдевори ва деворлари темир бетон блоклардан.

Бошланғич баҳоси — 3 минг сўм.

ҲАММОН

Шуманай туманидаги "Дослик байраги" жамоа ҳўжалигининг аҳоли гавжум жойида жойлашган. 1983 йилда ишга туширилган.

Бошланғич баҳоси — 23,5 минг сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН СУЗИШ

Нукус шаҳрининг 23 - микротуманида жойлашган. Қўрилиш 1981 йилда бошланган ва 1993 йилда тўхтатиб қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

"КАВЗ-68" АВТОБУСИ

1982 йилда ишлаб чиқарилган. Ҳозирги вақтда баъзи деталлар ва қисмларнинг етишмаслиги сабабли ундан фойдаланилмайпти.

Бошланғич баҳоси — 8 минг сўм

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ:

Қўнғирот шаҳри, Ҳокимият биноси, 9-хона, Нукус шаҳри, "Дослик тузари" кўчаси, 94-уй, 7-хона.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Қўнғирот шаҳри (361-31) 2-37-47, Нукус шаҳри (361-22) 4-18-63.

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Хоразм вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ишбилармон кишиларни 19 ноябрда Хазорасп шаҳрида ўтказиладиган қим ошди савдосига таклиф этади.

Савдога қўйиладиган қўйиладиган:

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН

Урганч шаҳар Промышленная кўчасида жойлашган. Қўрилиш-монтаж ишлари 15 фойзга бажарилган. Қўрилиш 1991 йилда бошланган. Фойдали майдони - 3200 кв.м. Бинонинг пойдевори темир бетон блокларида, деворлари силкат ғиштдан қилинган, ертўланнинг усти бетон плитадан бостирилган.

Бошланғич нархи — 880.000 сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН

Урганч шаҳар Гулран кўчасида жойлашган, қўрилиш-монтаж ишлари 90 фойзга бажарилган 5 та дўкон. 1994 йилда пишиқ ғиштдан қўрилган. Бир қаватли. Том бостирмаси темир бетондан.

Хар бир дўконнинг бошланғич нархи — 26.000 сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН

Дехқонобод жамоа ҳўжалигида жойлашган, 1990 йилда қўрилган. Фойдали майдони - 227,8 кв.м. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қўрилган, томи темир бетон плитали. 46 нафар кишига мўлжалланган. Умумий ишчилар сони - 3 та, умумий ювиниш хонаси 2 та, алоҳида ювиниш хонаси - 7та.

Бошланғич нархи — 35.000 сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН

"Вазир" жамоа ҳўжалигида жойлашган. Фойдали майдони - 300 кв.м. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қўрилган, томи темир бетон плитали. 23 нафар кишига хизмат кўрсатади. Ишчилар сони - 4 та. Умумий ювиниш хонаси - 2 та, алоҳида ювиниш хонаси - 8 та.

Бошланғич нархи — 33.000 сўм.

2 ТА "ЗИЛ" 131" АВТОМАШИНА

Газ билан юрадиган автомобиллар 1977 йилда чиққан. Биринчиси — 2 минг км., иккинчиси — 38 минг км. йўл юрган.

Хар бир "ЗИЛ — 131" автомобиласининг бошланғич нархи — 150.000 сўм.

Телефонлар: Урганч шаҳри: 6-32-63, 6-81-66. Хазорасп шаҳри: 23-856.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН

Хазорасп туман марказида жойлашган. Қўрилиш 1986 йилда бошланган. Фойдали майдони - 1700 кв.м. Пойдевори монолит темир бетондан, деворлари ва том бостирмаси темир бетон плитадан иборат.

Бошланғич нархи — 165.000 сўм.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ҚЎИ

Дружба шаҳрида жойлашган. Фойдали майдони - 288 кв.м. Бир қаватли, 1978 йилда пишиқ ғиштдан қўрилган, томи шифер билан бостирилган.

Бошланғич нархи — 11.000 сўм.

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН

Хазорасп туманининг Хазорасп посёлкасида жойлашган. Қўрилиш-монтаж ишлари 10 фойз бажарилган, яъни пойдевори қўрилган участка. Қўрилиш 1990 йилда бошланган. Фойдали майдони - 500 кв.м.

Бошланғич нархи — 55.000 сўм

ҚўРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 5 ТА

Хазорасп туманида жойлашган, қўрилиш-монтаж ишлари 85 фойз бажарилган, томи шифер қилинган, пишиқ ғиштдан қўрилган. Фойдали майдони - 12 кв.м.

Бошланғич нархи — 11.000 сўм.

"М — 28.4 М" ПРАКТОР ПРЦЕНИ

Янги, 1993 йилда чиққан.

Бошланғич нархи — 60.000 сўм.

"2 ПМС — 4 — 793.4" ПРЦЕНИ

Юк кўтариги имконияти 4 тонна, 1994 йилда чиққан.

Бошланғич нархи — 15.000 сўм.

ЭЛЕКТР МОЖАЯТ КАМАЙИҚИРЧЕВИ

"10/0 463 кВт" ТРАНСФОРМАТОРИ 1981 йилда чиққан. Янги. Оғирлиги 518 кг.

Бошланғич нархи — 35.000 сўм.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлаар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тунги муҳаррират 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Набатчи — Ш. Муттаҳархон ўғли.